

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЭРКИН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Илниёзова Диленоза Хусановна

Қарши шаҳар 11- мактаб инглиз тили ўқитувчisi.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1580898>

**Аннотация.** Ушбу мақола Инглиз тили дарсларини ўргатишида замонавий таълим муҳитини яратиши ва инглиз тили фан самарадорлигини баҳолаши масалаларини ўрганади.

Таълим тизимида инглиз тили фанининг ўқитилиши самарадорлиги, мактаб ташкилот бошқарув жараёнларини такомиллаштиришида муҳим аҳамиятга эга.

Мақолада инглиз тили дарсларини ўргатишида замонавий таълим муҳитини яратиши самарадорлигини баҳолаши усуллари, мезонлари ва кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Адабиётлар таҳлили асосида инглиз тили самарадорлигини ошириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** мактаб, таълим тарбия метод, билим ва кўникма, креатив тасниф, инновация объекти.

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва жаҳон ҳамжамияти учун хос бўлган халқаро алоқалари куламининг кенгайиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви олий маълумотга эга мутахассислардан инглиз тилида эркин мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини талаб қилмоқда. Инглиз тилида халқаро алоқаларни муваффақиятли амалга оширадиган, ундан касбий мулоқот воситаси сифатида фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш жаҳон меҳнат бозорида унинг рақобатбардошлигини таъминлабгина қолмай, уларга яхши ишларга жойлашиш имкониятини очиб беради. Бу эса касбий ҳамда шахсий ривожланиш истиқболларини кафолатлади.

Инглиз тилларни ўқитиш нафақат фан ҳақидаги билимларни тақдим этишгина эмас, балки мустақил таълим олишга тайёр, ижодий фикрлай оладиган ва ўз юртнинг тили, ўрганилаётган мамлакатнинг маданий меросини ҳамда уларнинг жаҳон тарихида тутган ўр нини англай оладиган инсоний шахсиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилдир. Шунинг учун ҳозирда методист олимлар учун олий ўқув юртларида инглиз тилларни касбий йўналтирилган ҳолда ўқитиш бўйича инновацион тизимларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бундай тизим ўз навбатида:

жамият ва шахс манфаатларига мос бўлиши, инглиз тилларнинг келгуси касбий фаолиятларида тутган ўр нини ва ушбу тилнинг функционал аҳамиятини англовчи талабаларда инглиз тилини ўрганишга бўлган мотивацияни кучайтириш;

инглиз тилларни билишнинг умумий даражасини кўтаришга кўмаклашиши;

ўқитувчи ва талабалар касбий фаолиятининг хусусиятларини очиб бериши;

олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида инглиз тилларни ўқитишда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни енгиш имконини бериши керак бўлади.

Ўқувчиларга инглиз тилларни ўргатиш тизимини ишлаб чиқиш, ўзида максимал даражада шахс манфаатларини намоён этади ва шу билан янги ижтимоий буюртмани бажаришга йўналтирилган бўлади. Инглиз тилини ўргатиш бутун меҳнат фаолияти давомида фаол ҳаётий нуқтаи назарига эга мутахассис шахсиятининг шаклланишига

турткі бўла олиши керак. Бунинг учун инглиз тили ўқитувчи ўқувчиларга зарур бўлган кўнишка ва малакалар ни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи шундай ўқув-услубий мухитини яратиши керакки, кейинчалик бу мухит ўқувчида инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши орқали ўз касбига бўлган қизиқиши ҳам кучайтирмоғи лозим.

Таълим муассасаларида инглиз тилидаги материаллар нинг яхши ўзлаштирилишига эришиш учун:

- ўқитиш жараёнининг инглиз тилларига коммуникатив юналтирилган бўлиши;
- ўқитувчининг ўқитиш методларини танлашга ижодий ёндашиши;
- оғзаки машқлар ва инглиз тилида мулоқотга ўргатиш машғулотлари давомида қулай психологик мухитнинг яратилиши;
- ўқитишнинг турли хил воситалари мавжудлиги ва улардан дарсда мунтазам фойдаланиш имкониятининг яратилиши;
- инглиз тилини ўргатишда синф ва синфдан ташқари ижодий ишларнинг ҳамжиҳатликда олиб борилишига эришилмоғи лозим.

Инглиз тилларни ўқитишда юкорида таъкидланган талабларни инобатга олиш, олий таълим муассасаларида инглиз тилига фан сифатида ёндашувнинг шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммаллашишига олиб келади. Ватанимнинг ҳар бир фидоий жонкуяр устозлари таълим даргоҳларида яратилган мана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда ривожланган давлатлар мактаблари билан тажриба алмашса, ўйлайманки ҳалқаро талабларга жавоб берадиган, салоҳиятли ёшларга таълим-тарбия берилса, жамиятимиз бундан фаровон бўлишига ишонаман.

## ХУЛОСА

Инглиз тили дарсларида эркин мулоқот қилиш. Инглиз тили дарсларини ўргатишда замонавий таълим мухитини яратиш. мактаб ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишда мухим аҳамиятга эга. Адабиётлар таҳлили натижасида дарс самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланди:

мактабда инглиз тили фанидан мақсадларига эришишдаги ҳиссаси, жараёнларининг самарадорлиги, инглиз тили фани устозларининг касбий маҳорати, манфаатдор томонларнинг қаноатлантириш даражаси ва инновацион фаолияти ҳисобга олинади.

Замонавий шароитда фан самарадорлигини баҳолашда комплекс ёндашувни қўллаш, тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, инглиз тилини ўрганиш самарадорлигини баҳолашда ҳалқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ҳисобга олиш, миллий стандартларни такомиллаштириш мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади: инглиз тили устозларини малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; замонавий ахборот технологияларини инглиз тили жараёнларида кенг қўллаш.

Ушбу тавсияларнинг амалга оширилишида методистлар хизмати самарадорлигини оширишга, ташкилотлар фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қиласи.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998.-30 б.
3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2003. -174 б.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. –Қарши: Насаф, 2000. -80 б.
5. Эшмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: 2008. 27-28 б.
6. Гаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиятар. –Т.: Тафаккур, 2011.